Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 15 ИЮНЬ, сешанба, № 42 (5.998). Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

3-саҳифа

Истиқлол ва истиқбол
Бухоро: кеча, бугун, эртага

1-2-саҳифалар

Қаҳрамон бошлиқ жамоанинг ибратли ишлари
Қорақалпоғистон: пахтачиликда ўнгланиш нега суст?
Жисмоний тарбия ва спортга муносабат

4-саҳифа

Қишлоқнинг меъморий қиёфаси қандай бўлиши керак?

ЖАВОҲИРГА АЙЛАНАДИ ҲАР БИР ҚАТРА СУВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент жаноблари, азиз дўстим.

Франциянинг саноат бўйича давлат котибининг Тошкентга муҳим ташрифи Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганлигимни яна бир бор таъкидлаш имконини берди.

Косоводаги тангликни бартараф этишда қатнашаётган Европа Иттифоқидаги бошқа давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари каби,Болқондаги вазиятнинг ривожи сабабли чет мамлакатларга қиладиган сафарларимнинг кўпчилигини бирмунча кейинроқ муддатга кечиктиришга мажбур бўлдим. Шунга қарамай, Сизнинг лутфан қилган таклифингизга жавобан Марказий Осиёга бориш ниятимни унутмаяпман, мамлакатингизда бўлишга розилигимни яна бир бор тасдиқлайман.

Мана бир неча йиллар мобайнида бизнинг икки томонлама муносабатларимиз муваффақиятли ривожланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланиши даражаси муттасил ўсиб бораётганлигидан хурсандман. Ишончим комилки, жаноб Кристиан Пьерренинг шу йил 11—12 июнь кунлари Тошкентга қиладиган сафари иқтисодий ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Муносабатларимизнинг шундай ижобий ривожланиши Сизнинг ўз мамлакатингизни дунёга, хусусан Европага очиш истагингиз туфайли мумкин бўлиб қолди. Шу муносабат билан мен Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида биз 1996 йил Флоренцияда имзоланган битим кучга кирганлиги билан табриклайман.

Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Камоли эҳтиром билан,
Жак ШИРАК,
Франция Республикаси Президенти.

Париж. 1999 йил 7 июнь.

ЭЛБЕК ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

Республикамиз адабий жамоатчилиги шу кунларда XX аср ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Элбек таваллудининг юз йиллигини кенг нишонламоқда. Шу муносабат билан адиб туғилиб ўсган Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида республикамиз адабиёт ва санъат, фан намояндалари, шоирнинг қариндош-уруғлари ва мухлислари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги халқимизнинг асл фарзанди Машриқ Юнус ўғли Элбек таваллуди муносабати билан бир қатор хайрли тадбирларни амалга оширди. Жумладан, шоирнинг «Сайланма» ва «Мунгли қушим» китоблари чоп этилди. Туман марказидаги кўчалардан бирига унинг номи берилди. Ғазалкент шаҳрида шоир ҳайкали очилди. Шаҳар маданият уйида Элбек ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар истиқлол туфайли халқимизнинг асл фарзандлари номи тикланаётганини мамнуният билан қайд этдилар. Адибнинг жўшқин ҳаёти ва серқирра ижодий фаолити, авлодларга қолдирган бой адабий мероси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёшларни истиқлол, миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев сўзга чиқди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ҚЎШИҒИМ ЙЎҚ СИЗЛАРДАН ЎЗГА

Нима ўзи ям-яшил олам,
Нима ўзи кўкариш фасли?
Кўзимизни ял-ял чақнатган,
Табиатнинг чиройи асли —
Нима ўзи?
Нима ўзи деб —
Эзгу ҳислар ортиб боради.
Муҳаббатнинг садоси бўлиб,
Савол кезар яна орада —
Кимнинг пойи қадами етиб,
Уйқусидан уйғонди саҳро?
Кимнинг меҳнат қўридан ҳатто,
Барча жонзот олади баҳра?
Ерга қандай бағишланар жон,
Қайси гулдан униб чиқар гул?
Қайси боғда,
Қайси далада
Ҳаяжондан энтикар кўнгил?
Ҳаловату
Оромни билмай,
Эртани деб шошгани шошган.
Ариқ қазиб,
Сувни етаклаб,
Йўл-йўлакай ҳаёт улашган —
Ким бўлди?
Томирида урар қандай қон?
Кўриндингиз шунда қуёшдай —
Бободеҳқон,
Ҳазрати деҳқон!
Сизнинг ҳар бир қадамингизга,
Гулдасталар раводир бугун.
Кўкси осмон,
Кўкси офтобим,
Шаънингиз куй,
Наводир бугун!
Унмаганни ердан ундириб,
Яратасиз ҳар йил мўъжиза.
Қалб қўридан ловиллаб турар,
Тош устида нақ тилла кўза.
Э, эркини қўлга киритган,
Тенглар ичра тенг бўлган Ватан,
Муҳаббатнинг, эй, сен гўшаси,
Саховати кенг бўлган Ватан —
Фарзандларинг — ифтихорингдир,
Ҳар бирининг ўзи бир достон.
Улар қўли,
Улар меҳридан
Бағринг бугун ўхшашсиз бўстон!
Ўзбек деган улуғ ном билан,
Танилганмиз ахир жаҳонга.
Деҳқонининг юраги чўғдир,
Ер ишқида ёнгани ёнган!
Юрагимда минг бир қўшиғим,
Минг бир куйим аталган Сизга—
Рисқ ундирган бобо деҳқоним,
Қўшиғим йўқ Сизлардан ўзга!

Йўлдош СУЛАЙМОН.

ХИРМОНГА БАРАКА КИРАЁТИР

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Янгиқудуқ» деҳқон-фермерлар уюшмаси, «Ўртачўл юлдузи», «Зарбдор» жамоа хўжаликлари ғаллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб йиллик режаларини уддаладилар. Кўриқ шароитида андижонликлардан олинган «Юна» навли буғдой уруғини парвариш қилишиб 30 центнердан ҳосил кўтардилар. Улар гектаридан ўртача ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ғалла ўрим-йиғимида Американинг «Кейс» комбайнлари айниқса қўл келди. Ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланмоқда. Силос учун маккажўхори экилмоқда.

Раҳим МАҚСУДОВ.

ЎЗЛИГИНГНИ КЎРСАТ, ҒАЛЛАКОР!

Мамлакатимиз ғалла майдонларида ҳосил ўрим-йиғими кундан-кун авж олмоқда. Маррага етган пудратчилар, фермер хўжаликлари сафи кун сайин ортмоқда. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда шу йил ўн тўртинчи июнгача 165900 гектар ердаги дон саранжомлаб олинди. Мавсумда Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятлари ғаллакорлари олдинда боришяпти.

— Ўтган куни жами 3476 та комбайн ишлади,

Донимиз — нонимиз

— дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғаллачилик бошқармаси бош мутахассиси Муроджон Юсупов. — Ҳар бир техника ёрдамида ўртача 6,5 гектар ердаги ҳосил ўриб олиниб, хирмонларга жўнатилди. Жумладан, қудратли «КЕЙС»ларнинг ўртача иш унумдорлиги 17,3 гектарни ташкил этди.

Мавсум қизғин паллага кирди. Жонажон Ватанимизда ғалла мустақиллигини таъминлаётган азамат деҳқонлар суръатни кундан-кун оширяптилар. Насиб этса, ҳадемай орзиқиб кутилган кун келади. Ўзлигингни кўрсат энди, ғаллакор!

ОЛТИН ЮЛДУЗ ЁҒДУСИ

Қаҳрамон бошлиқ жамоада ишлар қалай?

Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев Денов туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигида кўп йиллардан буён раҳбар. Мазкур хўжалик нафақат Сурхондарё вилоятида, балки мустақил давлатимизда доврўг таратган, қишлоқ хўжалиги ҳар томонлама юксалган жамоалардан бири. У киши янгиликларга ниҳоятда қизиқувчан. Мулоқотимиз Йўлбошчимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаларида алоҳида таъкидланган — фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали қишлоқда эгалик туйғусини қарор топтириш масаласидан бошланди.

Замон — изланганники

— Иброҳим ака, хўжалигингизда бу йилга белгиланган вазифалар қандай бажарилмоқда? Иккинчи ярим йилликда ширкатга ўтар экансизлар. Тайёргарлик қандай кетяпти?

— Хўжалигимиз кўп тармоқли, майдонимиз ҳам катта. 1320 гектари суғориладиган ерлар. 533 гектарида ғалла етиштиряпмиз. 609 гектар ерда ғўза ўстиряпмиз. Булардан ташқари, бошқа экинлар ҳам экканмиз. Мавжуд боғларимизни хусусийлаштириб берганмиз. Ўтган йилги натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, ўртача ҳосилдорликни 36 центнерга етказиб, пахта сотиш давлат буюртмасини 109 фоизга уддаладик. Кези келганда айтишим керак, бу натижа бизни умуман қониқтирмайди. Нега деганда, муттасил 42-45 центнердан ҳосил олиб, пахта етиштиришда хўжалигимиз

(Давоми 2-бетда)

АСАЛАРИНИНГ ЭРКАГИ

ёки тармоқ муаммолари — ёзувчи нигоҳида

Инсон фақат парранда ва ҳайвонларнигина эмас, ҳашаротларни ҳам хонакилаштириб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланган. Қўлга ўргатилган ҳашаротларнинг типик вакили асалари бўлиб, унинг маданийлаштириш тарихи мозийнинг узоқ қаърига бориб тақалади.

Асалари оиласида тақрибан 20-30 минг ишчи ари, ягона шоҳ ва 20-30 атрофида эркак арилар бўлади. Бу рўзғордаги ҳаёт юксак интизомли, ҳалол ва шавқлидир. Ишчи арилар кечаси-ю кундузи тинмай ишлашади: бол ташишади, қоровуллик қилишади, олти қиррали катаклар ясашади, инни тозалашади ва ҳоказо.

Мавзу

Шоҳ — раҳбарлик қиладди. У — ягона она ҳам. Тухум қўйиб, наслни давом эттиради. Эркак арилар эса «ижтимоий меҳнат»да иштирок этишмайди, лекин ҳаммадан кўп асал ейишади. Уларнинг ягона вазифаси — шоҳни урчитиш. Асаларичи уларни муттасил камайтириб туради, аммо батамом йўқотмайди. Улар эса тағин кўпаяверади.

Арилар гоҳида «норозилик намойишлари» ҳам ўтказишади. Жумладан, шоҳ салтанатидан норози бўлишса, инда тиқилиб қолишса... Улар бундай пайтларда «иш ташлаб, автономия талаб қилишади». Бу жараён хавфли вазиятни юзага келтиради. Шундай дақиқаларда ҳам дақиқ эркак арилар ўзларини чеккага олишади, шоҳга бол ялатиб, ялтоқланишдан қолишмайди. Бундай вазиятда асаларичи оилани иккига бўлиб, жанжалнинг олдини олади ва хўжаликни тараққий эттиради.

Ўзбекистонимизда асаларичилик хўжалигини ривожлантиришнинг анчагина муаммолари юзага келганки, уларни бирин-кетин ҳал этиш — давр талаби.

Бизда кўп йиллардан буён асаларичилик билан ихтисослаштирилган хўжаликлар ва якка тартибдаги шахслар, оилалар шуғулланишади. Аммо кейинги йилларда хўжаликларнинг ишлари ривожда эмас. Асосан якка тартибдаги асаларичилар эса ана шу

(Давоми 2-бетда)

САБОҚЛАР ВА ЖУМБОҚЛАР

Қорақалпоғистон пахтачилигида ўнгланиш жараёни қийин кечмоқда

Авваломбор шуни холисанилло қайд қилиш керакки, кейинги йилларда Республика раҳбарияти томонидан белгиланган қатъий чоралар туфайли мавжуд инқироздан чиқиш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни бошланди. Бу жараён анча қийин кечаётган бўлса ҳам ўзининг дастлабки меваларини намоён қилмоқда: 1998 йил кузагида 1997 йилга қараганда 70 минг гектарча кўп ер ҳайдалди, ўша даврга нисбатан 166 минг тонна кўп маҳаллий ўғит жамғарилди, икки баробардан кўпроқ ер майдонининг шури ювилди.

Таҳлил

Яширишнинг кераги йўқ: ҳудудда мавжуд бўлган техника воситалари шийпонлар, дала боши, хусусий хонадонлар ёнида сочилиб ётар эди. Уларнинг барчаси машина-трактор парклариги, бошқа устахоналарга келтирилди, тартибга солинди, таъмирланди. Айрим туман раҳбарлари техника таъмирлаш устахонасига олиб борадиган йўлнинг қаердалигини унутишган эди. Асосий маслаҳатлашув йиғинлари, хўжалик раисларининг иш кабинетлари устахоналарга кучирилди. 13786 та трактор, 1217 та дон комбайни, 1030 та пахта териш машинаси, 3625 та плуг, 1887 та сеялка, 2678 та культиватор бирма-бир кўздан кечирилди, улардан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Пахтачилик Қорақалпоғистон иқтисодиётининг илигини тўқ қилиб, валюта тушумининг салмоғини белгилаб берадиган асосий тармоқ ҳисобланади. Афсуски, 1993 йилдан буён бирон марта давлатга пахта сотиш юзасидан тегишли шартнома бажарилмади. Ўтган йили ғўза ҳосилдорлиги гектарига атиги 10,6 центнерни ташкил этди. Пахтачиликка ихтисослаштирилган 86 та хўжаликдан 7 таси йиллик топшириқни уддалади холос. Ачинарлиси шундаки, 38 та хўжалик

(Давоми 2-бетда)

ЧЕМПИОНЛАР, БОРМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ?

Истиқлол туфайли бошқа соҳаларда бўлганидек жисмоний тарбия ва спорт жабҳасида ҳам мамлакатимиз жаҳонга юз тутиб, етакчи мавқелардан бирига кўтарилмоқда. Буни исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Лекин жойларда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳволи қандай? У етарлича оммалашяптими?

Қуйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган мақолада биттга туман миқёсида ана шу саволга жавоб топишга ҳаракат қилинди.

Муносабат

Баҳористон Қашқадарёнинг олис ва чекка тумани. Шунга қарамасдан бу ерда теннис, футбол, волейбол, кураш, енгил атлетика, шахмат-шашка, баскетбол турлари айниқса ривожланган. Баҳористонликлар спортнинг энг машҳур тури-футболга айниқса ғоят ишқибоз ва уни ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқдалар. Шу муносабат билан туманда «Кўқдумалоқ» футбол жамоаси тузилди. Ўз устида пухта ишлаган, меҳнат қилган бу жамоа аъзолари ўтган йил вилоят биринчилиги учун бўлиб ўтган мусобақаларда фаол қатнашиб, олдинги ўринлардан бирини эгаллади.

Яқинда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида кураш бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Олим Бектошев, Исроил Чориев, Улуғ Эшонқуловлар маҳорат кўрсатиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Улар вилоят ҳунар-техника ўқув-юртлари ўртасида бўлиб ўтган

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

Оила пудрати қўл келмоқда

Ўғрини ... гўр тузатадими?

Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат

ОЛТИН ЮЛДУЗ ЁҒДУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ўз тажриба мактабини яратгани кўпчиликка маълум.

Ғаллачиликда ҳам салмоқли ютуқларимиз бор. Ўтган йили ўртача 51 центнердан хирмон яратдик. Шухрат Йўлдошев, Барно Чориева, Санобар Ҳасанова, Маҳмуд Ашуров, Ўткир Йўлдошев бошлиқ оилавий пудратчилар 60—74 центнердан ҳосил олдилар.Бизда пахтачилик ва ғаллачилик юз фоиз пудратга ўтган. Пахтачиликда 70 нафар, ғаллачиликда 217 нафар пудратчи ишламоқда. Ширкат асосан оилавий пудратчилардан ташкил топишини эътиборга оладиган бўлсак, бу усул бизда тўла жорий этилганига 5 йил бўляпти. Натижаси эса қувончли. Умумий даромаднинг 70 фоизини дала меҳнаткашларига тўлаб беришимиз, ҳар бир оилавий пудратчи режадан ортиқча сотган маҳсулотининг пулини тўлиқ ўзи олиши ва пахта ёғининг 70 фоизи, кунжара, шелуханинг 50 фоизига эгалик қилиши уларни янада унумли ишлашга ундамоқда. Энг муҳими, деҳқонда ерга меҳр ортмоқда. Бир сўз билан айтганда, биз ширкатга ўтишга ҳар томонлама тайёрмиз.

— Чорвачиликда аҳвол қандай?

— Илгари бизда учта қорамолчилик фермаси бор эди. Улар мулкдорларга хусусийлаштириб берилган. Биздан кетди, деб чорвага қарамай қўйганимиз йўқ. Мулкдорлар билан ҳамжиҳат, ҳамфикр ишлаяпмиз. Беш минг атрофида зотли ҳисори қўйимиз бор. 8 отарга жамланган бу қўйлардан ҳар йили 40-50 тонна гўшт сотамиз. Шунингдек, вилоятимиздаги хўжаликларга зотли қўйлар етказиб берамиз. Ундан ташқари 350 бош чўчқа ҳам парваришланяпти.

— Яна пахтачиликка қайтсак. Нима учун сизларда чигит фақат очиқ майдонларга экилган? Яъни, андижонликлар усулини қўлламагансизлар?

— Бу жойларда ёғингарчилик нисбатан кўп бўлади. Ёмғирнинг муттасил кўп ёғиши оқибатида плёнкада тўпланган сув парланиб кетмайди. Доимий равишда намгарчиликнинг юқори бўлиши эса ғўза ниҳолларида илдиз чириш касаллигини келтириб чиқаради. Ўтган йили худди шундай бўлди. Андижонликлар усулида экилган жойларда ғўзаларда илдиз чириш касаллиги учради. Натижада кўчатлар сийраклашиб кетди. Тўла гектар яратмай туриб, мўл ҳосил олиб бўлмайди. Бу — узоқ йиллик тажрибалардан маълум. Шу сабабли бизнинг шароитга Андижонча технология тўғри келмади. Яна бир ҳақиқатни айтай. Бу йил вилоятимиз бўйича занг касаллиги билан жуда кўп ғалла майдонлари зарарланди. Уни деҳқончиликдаги офат дейиш мумкин. Оллоҳга шукрлар бўлсин, хўжаликларга ғаллазорларида бу касаллик учрамади. Афсуски, қўшни хўжаликларда занг ёки сарғайиш касаллиги оқибатида катта майдонлардаги ғалла майсалари нобуд бўлди. Бир деҳқон ёки шу соҳанинг мутахассиси сифатида айтадиган бўлсам, касалланган далалардан 15 центнердан ошириб ҳосил олиб бўлмайди. Айрим жойларда 5—6 центнердан ошмайди. Шу ҳам истеъмолга яроқсиз. Айрим рахбарларга ҳайронман, нима учун бу майдонларни сақлаб туришибди? Уни бузиб ўрнига чигит экишганда ўртача 30—32 центнердан пахта олиш мумкин эди.

— Хўжалик аҳолисига яратилган қулайликлар хусусида ҳам гапириб берсангиз?

— Қишлоқлар юз фоиз табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминланган. Жамоа аъзолари ойма-ой иш ҳақини олишяпти. Бир рақам келтираман, эътибор беринг, ўзимизда ишловчилар хўжалигимиздан 21 миллион сўм қарздор. Бошқарувнинг эса улардан 6 миллион сўм қарзи бор. Кам таъминланган, болалари кўп ёки боқувчисини йўқотган, ўзгалар ёрдамига муҳтож оилаларга ажратмамиздан ҳам нафақа тайинлаганмиз. 156 кишига ўрта ҳисобда йилига 1,5 миллион сўм пул тўлаяпмиз. Ишсизларнинг сонини камайтириш учун янги ишчи ўринларини яратяпмиз. Қишлоқларимизга кичик саноатни олиб киряпмиз. 1997 йили зардўзлик корхонасини ташкил қилган эдик. Бугунги кунда ҳар бир уйда кўплаб зардўз тикувчиларни кўриш мумкин. Бу касбни бухоролик Л. Ҳамдамова ва Д. Тошевалардан ўрганишган. Гилам тўқиш корхонаси, дурадгорлик ва темирчилик устахоналари ишлаб турибди. Сартарошхоналар, этикдўзлик, пойафзал таъмирлаш устахоналари эл хизматида. Ошхона, новвойхона ва чойхоналар мунтазам ишлайди. Шунингдек, хўжалигимизда 220 киши ишлайдиган ва йилига 10 минг тонна шакар, 1800 тонна спирт тайёрлаб бериш қувватига эга завод қуриляпти. Уни 2000 йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда. Францияликлар ҳамкорлигида барпо этилаётган бу корхона туманимиздаги 15 та хўжалик маблағи ҳисобидан бунёд этиляпти. Жиҳозларни монтаж қилиш ишлари шу йилнинг сентябрида бошланади.

— Сўнгги савол. Бугунги кунда ғўза парвариши ишлари қандай ташкил этилган?

— Баҳор қанчалик серёмғир ўтмасин чигитни муддатида сифатли экиб, бир текис ундириб олдик. Юз фоиз уруғ кўкариб чиқди. Ҳозиргача ҳамма ердаги ғўзаларга чопиқ тракторлари ёрдамида ишлов берилди. Ёғингарчилик кўп бўлишидан юзага келган қатқалоқ батамом тугалланди. 3 марта кетмон чопиғи ўтказилди. Ғўза парваришида 1233 одам қатнашмоқда. 13 та трактор далага чиқарилган. Ана шу тракторлар ёрдамида экин бир марта тўлиқ озиқлантирилди. Ниятимиз ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта, олтмиш центнердан ғалла хирмони яратиш. Бунинг учун астойдил ишлаяпмиз. Деҳқончиликдаги ҳар бир тадбирни ўз вақтида, сифатли адо этишга интиляпмиз. Орзуимиз янги зафар, янги ютуқлар билан элимизни хурсанд қилишдир.

Суҳбатдош:
Маъмуржон БОТИРОВ.

ЯНГИ ҲОСИЛ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

Амударё тумани пиллакорлари шартномадаги режани бажардилар. Кумуш тола ижодкорлари тайёрлов идораларига 170 тоннадан ортиқ сифатли хом ашё етказиб бердилар. Амударёликлар шу йилдан бошлаб етиштирилган пилланинг ҳаммасини туманда қайта ишлашга киришдилар. Бунинг учун зарур бўлган асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди.

Г. МАТЁҚУБОВА.

ИССИҚХОНАДА УЗУМ ПИШДИ

Самарқанд туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигига қарашли Чордара қишлоғида истиқомат қилувчи Тоҳир Бекмуродов ҳовлисида май ойининг дастлабки кунларида узум пишди. Қишлоқдаги 2-ўрта мактабда 45 йил физика-математика фанларидан ўқитувчилик қилган табаррук отахон бўш пайтларини деҳқончилик ва боғдорчилик билан ўтказади. Ҳозирги кунда меҳнат фахрийси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Тоҳир ака Бекмуродов иссиқхонасида лимон, апельсин, помидор, бодринг ва турли хил гул ва кўкатлар парвариш қилинмоқда. Энг муҳими августнинг охирида хол отадиган қора кишмиш навли узум майдаёқ тайёр бўлди.

Тажриба

Хотира кунни муносабати билан маҳаллада истиқомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва маориф фахрийларига янги узум ҳосилидан зиёфат уюштирилди.

— Мен беш йилдан буён шу иш билан шуғулланаяпман, — дейди Тоҳир ака, — марказий телевидение орқали таниқли олимлардан бири теплицада узум етиштирганини кўрган эдим. Шу воқеа туртки бўлди ва мен ҳам бу иш билан шуғулландим. Тоифи, ҳусайни, доройи навли ток кўчатларини иссиқхонада парвариш қилдим, лекин изланишларим натижа бермади. Шунда Фарғонадан қора кишмиш навларини келтирдим. Интилганга толе ёр деганларидек, бугунги кунда ташқарида узум гуллаган бўлса, ҳовлимда ғарқ пишган. Бу ишларга умр йўлдошим Сайёра Бекмуродова ва тўрт нафар фарзандларим, келинларим яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ҳа, тиниб-тинчимас ўқитувчи-боғбон Тоҳир Бекмуродов серқуёш республикамизда узумдан бир йилда — 12 ой давомида ҳосил олиниши мумкинлигини тажрибада кўрсатди.

Шаҳноза ҲАСАНОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар институти III курс талабаси.

АСАЛАРИНИНГ ЭРКАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

митти жониворлар туфайли бозорларимизни тўкин, рўзғорларини фаровон қилишяпти.

Дарвоқе, бозордаги асал. У қимматми, арзонми? Тозами ёки сунъийми? Асал нархи бизда азал-азалдан гўшт билан тенг юрган. Ҳозир ҳам деярли шу даражада. Демак, уни қиммат дейиш ўринсиз. Асал сифати ҳақида эса ривоят-у миш-мишлар жуда кўп. Лекин ҳақиқий асаларичи ҳеч қачон қаллобликка қўл урмайди. Шуни эсда тутиш керакки, шакарни муттасил асалга айлантириб бўлмайди: бунинг учун кўплаб гул чанглари керак. Бунинг устига шакар нархи ҳам асалга яқинлашиб боряпти. Болнинг сифатини аниқлаш усуллари анчагина — энг ўнғайи: бир қошиқ асални иссиқ чойга аралаштириб кўрсангиз кифоя. Агар у батамом эриб, тагида қўйқа ҳосил бўлмаса — харид қилаверинг. Бунинг устига тоза асалнинг ўзига хос ҳиди ҳам бўлади.

Камина ҳам бир неча йиллик тажрибага эга бўлган асаларичи. Ўртанча ўғлимнинг тележкаси бор: гоҳида унга кўмаклашиб, дашту саҳроларда қолиб кетишга тўғри келади. Ҳозир бир нечта асаларичи бригада ташкил этиб, йўлга чиқишади ва бу — ўнғай усул. Аммо мен билган ҳақиқат шуки, асаларичининг иши йил сайин қийинлашиб боряпти. Мазкур муаммоларнинг айримлари ҳақида қалам тебратмоқчиман.

Авваллари аксар асаларичилар қўшни Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистонга ҳам ўтиб кетишарди. Ҳозир бу жараён анча қийин, хавфли албатта. Аммо таассуфки вилоятдан вилоятга ўтказиш ҳам осон кечмай қолди.

Бундан икки йилча муқаддам Қашқадарёдан келаётган асаларичиларни Жомдаги чегарада тўхтатишганини ҳиқоя қилишганди. «Ҳокимимизнинг қарорига кўра, бизнинг маҳсулот четга чиқиши мумкин эмас» дебди милиционер. Бу ўта мантиқсиз баҳона. Агар асалари ўша гуллардаги нектарларни олмаганда, улар ерга тўкилиб кетарди.

Бир қатор чет мамлакатларда фермер билан асаларичи орасида шартнома тузилади ва мазкур ҳужжатга асосан арилар гулни чанглатиб, ҳосилдорликни оширгани учун фермер асаларичига ҳақ тўлайди.

Биздаги айрим амалдорлар асаларининг эркагига ўхшаб кетишади. Улар тақиқлашни ҳуш кўришади, бунинг остида эса кўп ҳолларда таъма ётади.

«Бахмал» ўрмон хўжалигининг собиқ амалдори ўша ҳудудга бошқа ердан борган асаларичиларни қўймаётганлигини айтишди. Ўзи амалдан кетгандан кейин асаларичилик билан шуғулланаётганига сабаб, харислик қилиб шу йўлни тутган экан. Аммо қўзга бориб, ариларининг бари қиришлар кетибди. Очкўзлик ва бахиллик худога ҳуш келмайди, дейишади. Гап фақат бунда ҳам эмас. Ўрмон хўжалигининг ерлари унинг хусусий мулки эмаслигини ёддан чиқармаслиги керак, албатта!

Қизиқ. Бир неча бор ғалати ҳолнинг гувоҳи бўлганман: бирор бегона ерга ари қўйсангиз, ўша ердаги колхозчи, чорвадорлар иззат-ҳурмат қилишади, меҳмон деб эъзозлашади-ю амалдорлар... Ҳа, майли, мен муаммолар ҳақида гапираётган эдим.

Асаларичиликдаги энг катта муаммолардан бири — ғўза навларига ҳам боғлиқ. Оддий агроном Румшевич қирқинчи йилларда яратган 108-Ф нави далаларимизда қирқ-эллик йил давомида экилди. Бу нав Туркманистон, Тожикистон далаларини ҳам забт этди. Энг муҳими, у жуда кўп нектар ажратарди. Ҳозирги талай навларда нектар йўқ. Масалага фақат аричи кўзойнаги билан қараётганим йўқ. Мен бундай навларни тола чиқиши, бардошлилиги, тезпишарлиги билан ҳам қизиқиб кўрганман ва 108-Ф дан анча пастлигига ишонч ҳосил қилганман.

Айниқса, янги ерлардаги хўжаликларга ҳали ҳам 108-Ф экканлар ютиб чиқишларига ишончим комил. Бу менинг шахсий фикрим албатта. Аммо буни пахтакорларнинг ўзлари ҳам рад этишмайди.

Ўзбекистон асали чет мамлакатларда жуда қадрланади. Аммо, уни хорижга чиқариш муаммолари ҳал этилмаган. Нега? Ахир давлат ташкилотлари асаларичилардан бол харид қилиб, чет элга чиқарса, эвазига истаган нарсани олиб келишлари мумкин-ку?!

Республикада ва ҳар бир вилоятда асаларичилар жамияти ёки ассоциациясига ўхшаш жамоат ташкилоти тузиш пайти етиб келди. Бу ташкилот ўша жойдаги асаларичилар муаммоларини ўрганиш, уларга халақит берадиган кишилар билан гаплашиб қўйиш; транспорт, ёқилғи масалаларида имкон қадар ёрдам бериши зарур деб биламан. Биргина мисол: сўнгги йилларда варроа деб аталадиган япон канаси кўпайиб, асаларичиликка катта зарар етказди. Ҳозир ҳам кўп жойларда унга қарши кураш чоралари ҳал қилингани йўқ. Аммо самарқандлик олимлар бу зараркунандага қарши жуда самарали дори ишлаб чиқдилар. Эндликда ана шу препаратни Самарқанддаги ветеринария аптекаларидан ҳам харид қилиш мумкин.

Шунга ўхшаган янгиликларни ҳам аричилар мазкур ташкилотдан билишлари лозим.

Тўғри, асаларичилик қийин бўлиб боряпти. Аммо осон иш борми? Аслини олганда, дефолиантларнинг йўқолиши, ишбилармонлик билан шуғулланиш имкониятлари кенгайганлиги асаларичилар учун айни муддао бўлди-ку!

Энг оғир шароитларда ҳам ҳар қутисидан 20-30 килограмм асал олаётган аричиларни биламан. Демак, гап изланишда, ўз касбига меҳр қўйишдадир.

Нусрат РАҲМАТ.

КАСБИДАН БАРАКА ТОПАЁТГАНЛАР

Чорвани халқимиз етти хазинанинг бири дейди. Лекин унинг ўзига яраша машаққатлари бор. Ғузор туманидаги «Пачкамар» ширкат хўжалигида Маҳмуд бобо Аҳмедовни: «Маҳмуд чўпон» дейишади. Отахон ёшлигидан то кексайгунга қадар чўпонлик қилди. Ўтган йили сурувни ўғли Ҳамзага топширди.

Ҳозир Ҳамза Аҳмедовнинг отарида 350 бош совлиқ бўлиб, жорий йилда ҳар 100 бош совликдан 105 тадан қўзи олди. Шундан 80 фоизи ўстиришга қолдирилди.

Суратларда: 1. Бош чўпон Ҳамза Аҳмедов ва 4-цех бошлиғи Тожибой Муродов. 2. Қўй-қўзилар яйловда.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар.

АЙНИ МУДДАО

Туманимиз экин майдони чўл ҳудудда жойлашган. Қадимда бу ерларнинг кўп қисмида деҳқончилик қилинмас эди. Чунки сув чиқмас, шароити оғир эди. Кейинчалик ерлар ўзлаштирилиб, катта-катта хўжаликлар, ундан сўнг туман ташкил этилди. Миришкор кўп машаққатлар эвазига ҳосил етиштирар эди. Собиқ иттифоқ даврида юртимиздан олисдаги, дардимиз, шароитимиздан бехабар «доно»лар катта хирмон талаб этарди-ю заминни зўриқтираверса эртага қандай аҳволга тушади, ўйлашмасди. «Катта» хирмонни катта далалар эвазига ундиришга интилишарди. Ахир замин ҳам ўлчовли эканини улар ўйлашмасди.

Шукрлар бўлсин, мустақиллигимиз издан чиқаёзган деҳқончилигимизни тартибга солишимизга имкон берди. Юртбошимиз қишлоқ хўжалигига катта эътибор бераётганларидан беҳад миннатдормиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган «1999—2000 йилларда ирригация-мелиорация ишларини амалга оширишда рисида»ги қарори бизни яна ҳам руҳлантирди.

Эътироф

Насиб этса шу қарор туфайли туманимизнинг ҳам экин майдонлари шароити яхшиланади. Шўри йўқолиб унумдор ерларга айланади. Бунинг учун ўзимиз ҳам бор имкониятларни ишга солиб, ғайрат-шижоат кўрсатамиз. 10,06 миллиард сўм капитал маблағ ирригация-мелиорация ишларига ажратилиши ҳазил гап эмас. Шунча маблағга жуда катта миқёсда ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш мумкин.

Ҳукумат мададидан кўнглимиз кўтарилиб дала ишларини кундан-кун авж олдиряпмиз. Ўн икки ярим минг гектардан зиёд майдондаги ғўза кундан-кун яшнаяпти. Ислоҳотларни изчил давом эттириб мустақил фермер хўжаликларини тўқсон биттага етказдик. Шунингдек, салкам тўққиз минг гектардаги ғалла ўримига киришдик. Мавсумга қизғин ҳозирлик кўрдик. Далаларда режани қоплайдиган даражада ҳосил бор. Мақсадимиз, қисқа муддатда уни нестнобуд қилмай йиғиштириб олиш. Бунинг учун ҳамма имкониятлар етарли.

Ушбу қарор деҳқончилигимизни ривожлантиришда қўйилган яна бир катта қадам бўлди. Юртимизнинг чўл минтақасида деҳқончилик қанча ривожланса, давлатимиз иқтисоди кўтарилиши, халқ фаровон яшаши шунча яхшиланаверади.

Абдураззоқ АБДУРАҲМОНОВ,
Мирзаобод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

САБОҚЛАР ВА ЖУМБОҚЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

3—9 центнердан пахта йиғиштириб олди, аксарияти бўғзи қадар қарзга ботди. Ҳатто андижонликлар усулига кўра плёнка остига чигит экилган майдонлардан гектарига ўртача 15 центнердан ҳосил олинди.

Хўш, ўтган йилнинг аччиқ сабоқларидан зарур хулосалар чиқариб олиндими? Қорақалпоғистон пахтачилиги туб бурилишлар томонга ишончли қадамлар қўйдими?!

Муштарийга эриш туюлмасину юқоридаги ҳақли саволларга ҳозирча ҳам «Ҳа!», ҳам «Йўқ!» дея жавоб қайтариш мумкин. «Ҳа!» деган жавобнинг боиси шундаки, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «1999—2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига биноан ғўза навларини танлаш, экиш борасидаги бошбошдоқликка чек қўйилди. Мавжуд 145 минг гектар ғўза учун ажратилган ер майдонининг 116731 гектарига «С-4727», 10115 гектарига «Чимбой-3010», 12067 гектарига «175-Ф» навлари экиладиган бўлди. Бошқачасига айтганда ҳар бир туман ўзи учун мақбул бўлган 2 та асосий ғўза навларини танлаб олди. Тармоқда бошқа қатор деҳқончилик илми ютуқ ва тажрибаларини қўллашга ўтилди.

Қўйилган саволга тўлатўкис ижобий жавоб қайтара олмаслигимизнинг сабабига келсак, кузатишимизча чигит экилган жами ер майдонининг атиги учдан бир қисмида мўлжалдаги ниҳоллар олинди. Далаларнинг яна бир қисми мазкур даврда юз берган жала, селлардан зиён кўрди. Бундай далалар 63 минг гектарни ташкил этди. Шундан 34 минг гектари қайта экилиши керак эди. Бу иш анча чўзилиб кетди. Ғўза учун ажратилган майдонларнинг яна бир бўлагида ерлар экишга пухта тайёрланмаганлиги, сифатсиз, сара бўлмаган уруғ экилганлиги, бошқа қатор субъектив сабаблар туфайли қолоқлик вужудга келди. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистон деҳқонни тасарруфида уч хил ғўза майдони турибди. У биринчи соғлом ниҳолни парвариш қилиши, қатқалоқ остида ётган иккинчи ниҳолни алоҳида асраб-авайлаши, учинчи майдондаги чигитни тезроқ ундириб олмоғи шарт. Шундагина кузнинг мўл ҳосилига мустаҳкам замин ҳозирланган бўлади.

Пахтачиликда ёзилмаган бир қоида бор: униб чиққан ғўза ниҳолларига бир кун аввал ишлов берган деҳқоннинг ғўзаси кузда ўн кун муқаддам пишиб етилади. Қиш фаслининг юмшоқ, кўкламнинг эрта келиши муносабати билан май ойининг бошида Қорақалпоғистон бўйича 50 минг гектардан кўпроқ майдонда ғўза текис униб чиқди. 10 майгача уларнинг ярмида ғўза қатор ораларига ишлов бериш мумкин эди. Афсуски, бу кўрсаткич 5 минг гектарни ташкил этди, холос.

Қиёс учун келтириш мумкинки, Хоразм вилояти ғўза қатор ораларига ишлов беришда қўшилардан анча олдинда бормоқда, ўз навбатида ғўза ниҳолларининг ривожи ҳам авжида. Иккинчидан, бир неча йилдан буён хоразмлик деҳқонлар ғўзани кенг қаторлаб экишни афзал билмоқдалар, бу усул ўсимликнинг дуркун ўсиши, қўёш ҳароратини керагича олишида ҳал қилувчи омил бўлишини амалда исботламоқдалар. Аксинча Қорақалпоғистондаги қатор хўжаликлар ғўзани қўшқаторлаб экиш ҳамда туп сонини кўпайтиришга қизиқиб кетмоқдалар.

Фикримизча бу ҳаракат кўп ҳолларда ҳам ўзини оқлаётгани йўқ. Шундай экан, қорақалпоғистонликлар бир томондан культивацияни тезлатсалар, иккинчи томондан яганалаш тадбирини қисқа муддатларда, фақат сифатли тарзда амалга оширишлари даркор. Акс ҳолда ўтган йилги аччиқ хатолардан бири қайта такрорланиши, асад ойига борганда кўпчилик ғўза туплари «қуруқ савлат»га айланиши мумкин.

Ўтган йили Қорақалпоғистон ғўза майдонларининг бешдан биридаги ҳосил унсурларини зараркунандалар еб қўйган эди. Амударё, Беруний туманларида эса бу ҳол ўта ачинарли йўсинда намоён бўлган эди. Бугунги кунда ҳозирдан шундай хавфли ҳолатларнинг олдини олиш, карталар ёқаларига кечалари махсус «машъала»лар ёқиш, зараркунандаларнинг капалакларини вақтида йўқотиш лозим. Айни кунда Қорақалпоғистонда 56 та биолаборатория ишлаб турибди. Бироқ уларнинг барчасида иш талаб даражасида ташкил этилган, дейиш қийин.

Деҳқон ўзининг жорий ишларини миридан сиригача яхши билади, дала ишларида ҳеч қандай ўгитга, даъватга муҳтож эмас. Фақат биз 145 минг гектарнинг ҳаммасида тўлиқ ғўза ниҳолларини олиш, олтиндан қиммат фурсатни бой бермасдан ҳар бир далани, ҳар бир эгатни, ҳар бир ниҳолни меҳрла парвариш қилиб, кузги хирмонларга пишиқ пухта негиз яратиш кераклигини яна бир бор таъкидлаяпмиз, холос.

Халқимизда «Вақтинг кетди — нақдинг кетди» деган гап бор. Шундай экан, қорақалпоғистонлик деҳқонлар жами 417 минг гектар ердаги ғўза, бўғдой, шоли, қанд лавлаги, дон учун маккажўхори, кунгабоқар, сабзавот, полиз ҳамда озуқа экинларидан мўл ҳосил олиш, шартнома мажбуриятларини бажаришнинг барча чораларини кўришлари керак. Ана шунда тармоқнинг иқтисоди бақувват, обрўси юқори бўлади.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН ФЕРМЕР

1999 15-июнь №42

Комилжон Содиқов эсини танибдики, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Асли касби шофёр, қирқ йил машина рулини бошқариб, одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишдек шарафли вазифани сидқидилдан бажарган пайтларида ҳам ҳовлисидан сигир, қўй, парранда узилгани йўқ. Полиз ва сабзавот маҳсулотлари доимо ўз томорқасидан чиқади, ҳамиша дастурхони тўкин, оила фаровон.

Республикамиз истиқлолга эришгач, ҳукуматимиз деҳқонга нимаики лозим бўлса, барчасини яратиб бераяпти. Унинг эркин ишлаши ва ерга эгалик ҳиссини туйишга кафолатланган қонунлар мавжуд.

Яратилган шарт-шароитдан Комилжон ака ҳам бебаҳра қолган эмас. Боз устига, у деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳадисини олган. Шу боис, фермер хўжалиги ташкил этишга қарор қилди. Фикрини рафиқаси Муҳтархон ва фарзандларига айтганда улар ҳам қўллаб-қувватладилар.

Дастлабки йили 8 гектар майдонда макка ва чигит экишди. Сарҳисобда натижа кутилгандан зиёда бўлди. Соф даромад ҳисобидан тўққиз бош қорамол сотиб олишди. Зарур техника воситалари ҳам етарли бўлди. Кундан-кунга ишлар ривожлана борди.

Тадбиркор танлов ғолиби

Деҳқончилик ва чорвачиликда ишбилармонлик ақидаларига амал қилиб, мутахассислар тавсияларига таянилганлик сабабли ҳам оила даромади, ҳам деҳқон-фермер хўжалиги моддий манфаат топди.

Бугунги кунда «Аваз» наслчилик заводи нафақат Қўрғонтепа туманида, балки Андижон вилоятидаги кўзга кўринган жамоалардан саналади.

— Мавжуд 35 гектар майдоннинг 15 гектарига беда, 2 ярим гектарига буғдой, бир ярим гектарига лавлаги, 12 гектар ерга эса донли силос экканмиз. Қолган майдонларда полиз маҳсулотлари етиштирилаяпти, — дейди фермер хўжалиги саркори Комилжон ака, — 140 та қорамолнинг 30 боши соғин сигирларни ташкил этади. Ўтган мавсумда 132 тонна сут ишлаб чиқарилди. Шундан 101 тоннасини шартнома асосида Андижон сут заводига сотдик. Бундан ташқари 18 бош наслли молларни фермер ва жамоа хўжаликлари сотиб олишди.

Яқинда Андижон вилоятида ўтказилган «Ташаббус-98» кўрик-танловида илғор тадбиркорлар қатори Комилжон Содиқов саркорлик қилаётган «Аваз» наслчилик заводи жамоаси ҳам иштирок этишди ва танлов ғолиби деб топилди.

Пойтахтимизда ўтказилган «Ташаббус-98» танловида ҳам «Аваз» наслчилик заводи жамоаси етиштирган маҳсулотлар бозорбоплиги ва харидоргирлиги билан барчани мамнун этди.

Шу кунларда наслчилик заводида бўлган киши қайноқ меҳнат жабҳасини кўради. Бу ерда ишчилар ўзларига биркитилган юмушларни ўз вақтида бажаришади. Даромад ҳам шунга лойиқ. Хўжаликнинг ҳар бир сўми қаерга ва нима мақсадда сарфланаётганини оддий ишчи ҳам яхши билади. Тежамкорлик, имкон ва имтиёзлардан оқилона фойдаланиш жамоанинг бош мақсади.

Абдулла АЙИЗОВ.

мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллиги олдидан

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

БУХОРО: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

ҚАДИМИЙ ДИЁРНИНГ ИККИНЧИ ЁШЛИГИ

Истиқлолимизнинг саккиз йили Бухорои Шариф аҳли учун асрларга татигулик улкан ўзгаришларга бой бўлди. Вилоятимиз меҳнаткашлари ҳам сохта ғоя, маъмурий-буйруқбозлик бошқарувидан халос бўлиб ўзликларини англаган ҳолда эркин бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида тараққиётнинг нурли манзилларига юз тутдилар. Ҳар жабҳада олиб борилаётган ислоҳотлар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 1996 йил декабрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Йўлбошчимиз И. Каримов томонларидан олдимизга қўйилган вазифалар асосида янада чуқурлаштирилди.

Франция, Япония, Туркия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар мутахассисларининг иштирокида барпо этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи вилоятимиз саноатига янги соҳани киритиш билан бирга, республика ёнилғи-энергетика мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Инвестиция сиёсатига тўғри ёндашилгани ҳамда ички ресурслардан самарали фойдаланилгани туфайли «Мармар» Ўзбек-Америка, «Гуфик-Авиценна» Ўзбек — Ҳиндистон, «Зиёбахш-уни трейдинг» Ўзбек-Олмония қўшма корхоналари, Жондор пахта тозалаш заводи, вилоят марказида «Гранит» корхонаси, Олот туманида сутни қайта ишлаш цехи, Қоракўл туманида макарон ва тўқув цехлари, «Бухороёр», «Когонёг» ҳиссадорлик жамиятларида янги қувватлар фойдаланишга топширилди. Ана шундай қувончли ўзгаришлар туфайли бултур вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 35,2 фоизга ўсди, 20 мингдан зиёд янги ишчи ўринлари яратилди.

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотига Франция саноатчилари уюшмасининг олтин медали берилгани индустриямизда нафақат ижобий миқдор, балки сифат ўзгаришлари ҳам юз бераётганидан ёркин далолатдир.

1999 йилда вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик, ўрта бизнесни ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларни бажариш тадбиркорликни тараққий эттириш билан бирга хусусийлаштиришни омилкорлик билан давом эттириш ҳамда давлат мулкини сотишдан бюджетга маблағлар тушишини кўпайтириш имконини бермоқда.

Ирригация ва мелиорация масалаларига эътибор оширилди. Ўн йиллар давомида қаровсиз ётган Сакович, Мошкўл, Нақиб зовурларининг реконструкция қилингани, минглаб километр хўжаликлараро зовурларнинг тозаланган, Метробод, Яккатут, Ҳайдаробод, Бобур каналларининг қурилгани қишлоқ хўжалигида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Деҳқонларимиз ўтган йили 220 минг тоннага яқин дон ишлаб чиқариб, шартнома режаларини уддалаган бўлсалар, шу кеча-кундузда улар ялпи ғалла ҳосилини 260 минг тоннага етказиш учун ўрим-йиғимни қизғин олиб бормоқдалар. Бу йилги пилла топшириш шартномасининг ошиғи билан уддалангани барчани беҳад қувонтирди.

Вилоятимиз пахтакорлари ўтган йили режани уддалай олмаган бўлсалар ҳам 1997 йилга нисбатан Ватанга 35 минг тонна кўп қимматбаҳо хомашё сотдилар. Деҳқонларимиз истиқлолнинг саккизинчи йилида мамлакат хирмонига 403 минг тонна Бухоро пахтасини топшириш учун ғўза парваришида зарбдор юз кунлик эълон қилишиб ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Вилоят деҳқончилигида чет эл техникасидан, жумладан 50 та «Кейс» комбайни ва 87 та «Магнум» тракторларидан фойдаланилаётгани яхши самара бермоқда. Қишлоқда хўжалик юритиш шаклининг, мулкка муносабатнинг ўзгараётгани, ширкатларга, деҳқон ва фермер хўжаликларига, пудрат усулига кенг йўл очилаётгани деҳқончилик ва чорвачиликда ижобий силжишларга олиб келмоқда.

Аммо иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштирш жараёнида бир қатор камчиликларимиз ва ҳал этилмаган муаммолар ҳам бор. Чунончи вилоят енгил саноатида жаҳон андозаларига мос келадиган ассортиментдаги сифатли моллар ишлаб чиқариш суст бормоқда. Қайта ишлаш саноати корхоналарининг фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришнинг барча имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаган. Қишма корхоналарнинг чет эл хомашёси асосида ишлашини умуман қисқартириб, уларда маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланиш чораларини кўришимиз, айни чоғда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилаётган корхоналар экспорт имкониятларини оширишимиз даркор.

Иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли бориши биринчи навбатда одамлар онгидаги ўзгаришларга, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига боғлиқ. Шу сабабли вилоятда миллий қадриятларни, маданий меросни эъзозлашга, маънавий-маърифий ислоҳотлар йўли билан янгича тафаккурни қарор топтиришга катта эътибор берилмоқда.

Ота-боболаримиздан бизга мерос қолган тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, халқ миллий ҳунармандчилигини ривожлантириш диққат марказида турибди. Хусусан, Президентимиз И. Каримов ташаббуслари ва ЮНЕСКОнинг иштироки билан Бухорининг 2500 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланган бу қадимий диёр жамолини янада кўркам этди. Калон меъморий мажмуи, Арк қалъаси, Лаби-ҳовуз мажмуи ва бошқа ўнлаб нодир обидалар қайта таъмирланди. Шаҳар марказини қайта барпо этилган аэропорт билан боғловчи янги замонавий магистрал йўл қурилди.

Бухорои Шариф юбилейидан сўнг ҳам бундай хайрли ишлар суръати пасайгани йўқ. Когонда Саййид Мир Кулол меъморий мажмуи вилоятимизнинг энг гўзал зиёратгоҳларидан бирига айлантирилди. Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги шарафига вилоят марказида фавворалар мажмуи барпо этилди. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан янги майдон яратилди. Шу кунларда вилоятда ҳашар йўли билан XVI асрнинг улкан ноёб обидаси — Чорбакр меъморий мажмуи таъмирланмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ шу йилнинг ўзида вилоятда 5та янги касб ҳунар коллежи фойдаланишга топширилса келгуси йили яна 12 та янги типдаги ўқув масканлари қурилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури асосида Бухоро шаҳар касалхонаси негизида республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказининг вилоят филиали ташкил этилмоқда.

Бугунгача вилоятда 251 та қишлоқ ҳакимлик масканлари ташкил этилган бўлса жорий йилда бундай даволаш муассасалари учун яна 10 та янги бино қурилади.

Хуллас вилоят ҳаётининг қайси бир соҳасига қараманг, мавжуд камчилик ва муаммолар ислоҳотлар жараёнида аста-секин бартараф этилаётганини ҳис этасиз. Айни чоғда ҳали бажаришимиз керак бўлган ишлар жуда кўп. Юртбошимиз И. Каримов республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида таъкидлаганларидек, «Биз XXI аср бўсағасида турибмиз, биз буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир». Ана шу олижаноб вазифалар рўёбига муносиб ҳисса қўшиш Бухорои Шариф аҳлининг дил муддаосига айланган.

Самойдин ҲУСЕНОВ, Бухоро вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчанлик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.

Ислом КАРИМОВ.

Ромитан туманидаги Ф. Курбонов номли ширкат хўжалиги далаларида ҳам бу йил ғалла мўл бўлди.

СУРАТДА: хўжалик бош ҳосилоти (ўртада) К. Очилов, тажрибали пудратчилардан Р. Мажидов ва Т. Рабиевлар.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

• Бухоро вилояти аҳолиси 1999 йилнинг 1 январь ҳолатида 1405,3 минг кишини ташкил қилди. Аҳоли сони ўтган 7 йил мобайнида 191,6 минг кишига кўпайди. 1991 йилда қишлоқ жойларида жами аҳолининг 65,9 фоизи, шаҳарда эса 34,1 фоизи яшаган бўлса, бугунги кунда 68,6 фоиз аҳоли қишлоқ жойларида, 31,4 фоизи эса шаҳар жойларида яшамоқда. Бу қишлоққа саноатнинг кириб келаётганлиги, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг қишлоқ жойларида ривож топаётганлигини кўрсатади.

* * *

• Вилоят бугунги кунда 2 та шаҳар, 11 та туман, 120 қишлоқ фуқаролар йиғини, 238 тадан ортиқ маҳалла қўмиталарини ўз ичига олади. Бухоро шаҳрида 241,9 минг аҳоли яшайди.

* * *

• 1997 йилда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик тўйи нишонланди. Вилоятда 997 та тарихий ва архитектура ёдгорликлари мавжуд. Бухородан Буюк ипак йўли ва бошқа карвон йўллари ўтган.

* * *

• Ҳозирги кунда вилоятда битта университет, 2 та институт (медицина институти ҳамда озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти) мавжуд. Бундан ташқари 14 та ўрта махсус ўқув юртлари бўлиб, уларда ҳар йили 7 мингга яқин мутахассис халқ хўжалиги соҳалари учун тайёрланмоқда. Талабаларга 54 профессор, 66 фан доктори ва 394 фан номзодлари сабоқ бермоқда.

* * *

• Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш тизимида 3900 дан зиёд олий маълумотли ҳакимлар ва 18.000 га яқин ўрта тиббиёт ходимлари ишламоқда.

* * *

• Вилоятда 31 та касалхона бўлиб, улардаги ўринлар сони 6603 та койкани ташкил этади. Шунингдек 299 та кундузги стационар аҳоли хизматида бўлмоқда.

* * *

• Вилоятда рақамли телефон станцияларга ўтилгандан кейин маҳаллий шаҳарлараро ва халқаро тизимларга чиқиш ҳажми кескин даражада ошди. Жумладан, 1998 йилнинг июл ойидан 1999 йил март ойигача рақамли тизимга ўтилган даврда шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сони 387930 тадан 607275 тага кўпайди.

* * *

• Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида шу йиллар мобайнида 1117,6 км сув ва 3633 км. газ тармоқлари қурилди.

Бухоро вилоятига бағишланган ушбу саҳифа журналистлар Абдужалил ХАЛИЛОВ ва Дилмурод ЖАББОРОВлар томонидан тайёрланди.

СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА ҒИЗ

Хотира ва Қадрлаш кунларафасида хўжалигимиз ҳудудидаги учта йирик қишлоққа Самарқанднинг зилол суви етиб келди. Дамхўжа — Бухоро сув йўлидан қарийб уч километр узунликда қувурлар тортиб келинган қишлоқ аҳолисига ан шундай имконият яратилди. Сир эмас, минтақамизда аллақачон тоза чучук сув билан таъминлаш энг тўғри масалалардан бири бўлиб қолган эди. Мустақиллик йилларида биз, бухороликларнинг орзуси ушалиб олис Самарқанддан улкан қувурлар орқали тоза ичимлик сув олиб келинди. Эндиликда нафақат Бухоро, Ғиждувон, Ғбкент каби шаҳарлар, балки барча қишлоқлар аҳолиси ҳамму қулайликдан бахраманд бўляпти.

Дарвоқе, қишлоқларга чучук сувнинг етиб келиши қишлоқ хўжалигимиз салмоқлилиги ошди. Бунинг ўрнида — вилоят якка тартибда ўзи қуриш ва ширкат бирлашмаси қўмагида хўжалик ҳисобидаги 1-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси жамоаси 7 миллион м маблағни ўзлаштирди.

Бу ҳали ишларимизнинг дастлабки сидирғалари. Бизнинг ҳудудида барча қишлоқларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишларини тугатдик. Хўжалигимизнинг иқтисодий салоҳияти бу ишларни яқин келажакда амалга ошириш имкониятини беради.

М. НЎЪМОНОВ, «Зарафшон» фермер хўжаликлари уюшмаси раиси.

ПАХТА, ҒАЛЛА ВА... ҚОВУН

Мамлакат қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шу кунинг долзарб вазифаси эканлигини чуқур ҳис этамиз. Бу жараённинг қанчалик тезкорлик билан қарор топиши фаровонликка эришишимизни шунчалик жадаллаштиради. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси буни яхши тушунган ҳолда меҳнат қилмоқда.

Жорий йилда хўжалигимиз ширкат усулида фаолият кўрсатаяпти. Шунинг ўзи одамларда мулкка қалол меҳнат туфайли шахсий манфаатдорлик муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида бу усулнинг афзалликлари яққол кўзга ташланмоқда.

Келинг, айрим мисолларга таяниб фикримни тушунтирай. Йилнинг биринчи ҳосили ипак қурти боқиш мавсуми тугади. Ғалвир сувдан кўтарилди. 220 қути уруғлик пилла қурти боқиб, ундан шартномадаги 12,5 тонна ўрнига 15,4 тонна ҳосил кўтардик. Ҳар қути қурт ҳосилдорлиги 70 килограмма етди. Бултур бу соҳадан 2 миллион 690 минг сўм даромад олган бўлсак, жорий йилда бу миқдор 4,5 миллион сўмдан ошиши мўлжалланмоқда.

Хўжаликда барча ишлаб чиқариш жараёнлари пудрат асосида амалга оширилмоқда. Шу жумладан, 1170 гектар майдон ҳам пудратчилар қўлида. Кузда 4030 тонналик пахта хирмонни яратиш мақсадида барча имкониятлардан самарали фойдаланиляпти. Ёш ниҳоллар минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилмоқда. Биринчи суғоришдан бошлаб «шарбат» усулини қўллаяпмиз.

М. Нормуродов, Б. Ширинов, Ш. Расулов бошлиқ бригадалар деҳқонлари бултур гектарлар ҳосилдорлигини 45-46 центнерга етказган бўлсалар, жорий йилда 50-55 центнерлик маррани кузлашяпти. Ғўза қатор оралари ҳар куни 35-36 та культивация ишлаяпти.

Айни кунларда ғўза парвариши билан бирга дон ўрим-йиғимини ҳам бошлаб юбордик. Комбайнлар дастлабки ғаллазорларнинг ҳар гектаридан 60-65 центнер дон йиғиштириб олмоқда. Умуман ризқ-рузни кўпайтириш йўлидаги фидокорона меҳнат зое кетмаса керак. Чунки яқинда ўтказилган апробация мавжуд 530 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан ҳосилдорлик ўртача 40 центнердан кам бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Полизчилик соҳасида ҳам озми-кўпми тажриба орттираяпмиз. Сўхибкорларимиз икки йилдан буён вилоятда ўтказилаётган «қовун сайли»да иштирок этиб соврин билан қайтишяпти. Бу йил 16 гектарда воҳамизга мос ўнлаб турдаги қовун-тарвуз устириляпти.

Хуллас, хўжалик бошқаруви тараққиёт сари интилаётган мулкчилик бунёдкорларининг яхши яшаши, унумли ишлаши ва манфаатдорлиги учун барча ижтимоий ҳимоя чораларини кўришган. Жумладан, барча хонадонларимиз тўлиқ газлашган. 60 фоиз қишлоқ тоза ичимлик сувидан бахраманд. Айни пайтда яна 2 та қишлоқда водопровод қувурлари тортилаяпти. Савдо, маданий-маиший хизмат соҳасида ҳам катта юмушлар амалга оширилмоқда.

Остон СУЛАЙМОНОВ, Бухоро туманидаги «Чорбакр» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

МИННАТДОР НИГОҲЛАР

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш кўпгина жамоат ташкилотлари қатори жамғармамиз фаолиятининг ҳам асосини ташкил этмоқда. Фаолларимизнинг ҳомий корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказаётган хайрия ишлари бундай тадбирлар ҳаётий зарурат эканини кўрсатаяпти.

Мана бир мисол. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Ўзбекистон Қарлар жамиятининг вилоятдаги идорасида бўлдик. Мазкур муассаса ҳисобида турувчи кишиларнинг фарзандларига жамғарма номидан кийим-кечак хайрия сифатида тарқатилди. Гап бунда ҳам эмас, албатта. Ёрдамга, мурувватга муҳтож бу болалар кўнглига йўл топиш, уларнинг эл-юртга бўлган меҳр-муҳаббатларини мустаҳкамлаш асосий мақсадимиздир. Чунки озгина эътибор ҳам киши кўнглини тоғдай кўтаради.

Ёки бошқа бир мисол. Куни-кеча Бухоро давлат университети қошидаги академик лицей талабаси, ногирон Эркин Сафаровга «Наврўз»нинг 7 минг сўм миқдоридаги бир марта бериладиган стипендияси топширилди. Бухоро енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Замира Саидовага ҳам шундай стипендия берилди. Ҳар иккала ёшнинг миннатдор нигоҳига боқиб уларнинг ўқиш ва ишда ўз тенгқурларига намуна бўлажакларини ҳис этдик. Ёш авлодга эътиборнинг натижаси ана шундай самарали бўлади. Бундан эса охир-оқибатда саккиз йиллик байрамини нишонлашга ҳозирланаётган мустақил юртимиз, инсонга юз бураётган жамиятимиз манфаатдордир.

Б. ФОЗИЛОВ, «Наврўз» жамғармаси вилоят бўлими раиси муовини.

«ХАЛҚИМГА НАФИМ ТЕГАЁТГАНЛИГИДАН БАХТИМАН»

1980 йилда улуғ табиб — Ватандошимиз Ибн Синонинг минг йиллик юбилейлари нишонланган эди. Ўшанда ул зот номига қўйилган музейни томоша қиларканман, англияликлар музейга совға қилган, бир замонлар Пешкўнинг ўзида ишлаб чиқарилган «Занданийча» матони кўриб лол қолганман. Шу-шу агар имкони бўлса, ота-боболаримиз анъанасини давом эттиришни ният қилиб қўйган эдим. Ахир, бундан бир аср олдин ҳам «занданийча» тўн ва матолар дунё аҳлини ҳайратга солганини кўпчилик яхши билади-да.

Орадан ўн йил ўтиб орзуим ушалди. Истиқлол кўкрак қафасларида қамалиб ётган туйғуларга қанот бахш этди. Тадбиркорлик йўлидаги дастлабки ҳаракатларни бошлаб юбордик. Бирваракайига тўртта хусусий корхона директорлари кенгаши раиси вазифаси таваккалчилик билан эмас, аниқ режа ва Низом асосида йўлга қўйилди. «Зуҳал» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси, «Буюк истиқлол сари» шахсий ишлаб чиқариш корхонаси, «Вали Файз» хусусий автомобилчилар хизмати корхонаси, «Ривож-98» фермер хўжаликлари шулар жумласига киради. Айни кунларда 190 киши иш билан банд. Демак, шунча оила рўзғор тебратяпти.

Тадбиркорларимизнинг 1998 йил якунлари қувонарли бўлди. «Буюк истиқлол сари» шахсий ишлаб чиқариш корхонасида пахта толасидан ип-калава тайёрланиб, сўнгра хом сурпга айлантирилади. Хом сурпдан эса буюртма асосида болалар ва хотин-қизлар кийим-кечаклари, қўрпа-ёстиқ жилдлари тикилаётир. Корхона «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятига ҳам хом сурп етказиб бериб, ўрнига тайёр гуллик материаллар олмоқда. Бу эса тикиш-бичиш цехининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаётир.

Жамоада иш унумдорлиги кундан-кун ошиб бормоқда. Масалан, 1998 йил 444 минг погонометр маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 60 минг погонометри тайёр маҳсулотдир. Жорий йилнинг тўрт ойидаги кўрсаткич шунчаки қоғоздаги гап эмаслигини кўрсатиб турибди. Яъни 1999 йил биринчи майигача 268700 погонометр маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қимирлаган қир ошар — дейди халқимиз. Умуман тўртта кичик корхона бўйича ўтган йили маҳсулот айланиши ва хизмат 40 млн. сўмни ташкил этди. Соф фойда эса 11 млн. сўм атрофида.

Биз 2000 йилда корхонамизга чет эл инвестициясини олиб кириш ҳаракатидамиз. Ишимизда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистонда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш учун бераётган кредитидан фойдаланиш яхши самара бераётир. Биз хорижий ҳамкорларни ҳам топиб қўйганмиз, аммо кредит олиш тартиби анча мураккаб. Демоқчиманки, улар сўрайдиган кафолат бизда йўқ. Агар ана шу кредит тартиби бир оз соддалаштирилса, қишлоққа саноатни олиб кириш ва аҳолини иш билан таъминлашга янада катта имкониятлар очиларди...

Шароф ОМОНОВ, мулкдор, Пешку тумани.

Қўли гул чевар Гавҳар Саидова тиккан дўппи, чопонлар бежиримлиги билан кўпчиликка ғоят манзур бўлмоқда.

ЗАР ҚЎШИҚЛАР

Зардўзлик касби нозик иш. Кишидан қунт, сабр-тоқат талаб қилади. 1958 йил зардўзлик артелига ўстага шогирд тушиб иш бошлаганимда 17 ёшли жамалаксоч қизча эдим. Шундан буён ана шу жилолар билан тиллашиб келаман. Заррин қатимлар, нафис қўшиқдек юрагимга ошно, қадрдонимга айланиб қолган. Зардўзлик касбини сирасрорлари том-том эмас. Айтганимдек, бу касбни севиш керак холос. Киши қасбига фидоий бўлса, ишидан қаноат ҳосил қилса у касб ҳар қанча машаққатли бўлмасин гаштли бўлади. Фақатгина бардошли бўлиш керак. Ишонч билан дадил мақсадларни кўзлаб меҳнат қилинса — натижа самарали бўлиши муқаррар. Меҳнат фаолиятимга 40 йилдан ошаяптики, тонгни орзиқиб кутиб, қадрдон ишхонамга ошиқаман. Иш давримда 100 дан ортиқ шогирд тайёрладим. Ўнлаб кўргазмаларда ишларим билан қатнашиб совриндор бўлдим. 1972 йилда менга Ўзбекистон халқ рассоми унвони берилди. Иқтидорли шогирдларим билан Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги», «Туркистон» санъат саройлари учун зардўзи пардалар тикиб бердим.

Бухоро зардўзлик санъатининг нодир намуналарини акс эттирган қўлбола ишларим жаҳон кўргазмаларида олқиш олди.

Мустақиллик улуғ неъмат. Зардўзлик фаолиятимнинг кейинги йиллида истиқлол туйғулари билан уйғунлашган катта ҳайратли палотнолар яратаяпмиз. 1999 йил ҳаётимдаги энг қувончли йиллардан бири. Шу йили камтарин меҳнатларим муносиб тақдирланди. Мен мамлакатимизда биринчилар қаторида Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим.

Бунинг учун Истиқлолимиз посбони, тинчлик фаровонлигимиз бошқармаси — Йўлбошчимиз И. А. Каримовга беҳад миннатдорчилигимни айтмоқчиман.

Бухоронинг зар қўшиқлари оламни лол қолдириб, бухоролик зардўзлар илҳоми билан жаҳон кезаверади.

Муяссар ТЕМИРОВА, «Зардўз» ҳиссадорлик жамияти устаси, Ўзбекистон Қаҳрамони.



СУРАТЛАРДА: қадимий Мири Араб мадрасаси, Мачити Калон мажмуаси ва мустақиллик иншоотлари.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган суратлар.

«ДОМ»ГА ТАНДИР ҚУРСА БЎЛАДИМИ?

ЁКИ ҚИШЛОҚНИНГ МЕЪМОРИЙ ҚИЁФАСИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Мавзу

Бу воқеага кўп йиллар бўлди.

Машъал хўжаликда янги посёлка қад кўтаргач, туманга келган меҳмон борки, дастлаб шу жойга олиб келинарди. Посёлканинг довруғи шу тахлит узоқларга етди. Кунлардан бир кун пойтахтдан телемухбир ташриф буюради. У режага кўра, янги посёлкада яшаб, меҳнат қилаётган донгдор киши ҳақида фильм тайёрлаши зарур эмиш! Раҳбарлар бу хусусда кўпам бош қотириб ўтиришмади. Ахир хўжаликда ибрат қилиб кўрсатса арзигулик пахтакор механизаторлар кўпда. «Лекин уларнинг уй-жойлари, яшаш қандай экан? Телевизорда кўрсатишса ўялиб қолмасмикинмиз?» дея ўйлашди улар. Ниҳоят, Қурбон механизаторнинг хонадони суратга олинадиган бўлди. Телемухбир уй ичини айланиб юриб, механизаторни саволга тутди:

— Нега бу хонага диван қўйгансизу, ўртада стол йўқ?

— Катта столни ошхонага қўйганмиз. Янгангиз ҳамир ёяди, — дейди уй эгаси бироз хижолат тортиб.

— Меҳмон келиб қолса-чи?

— Айвонда хонтахтали жой бор. Буёғи қишлоқчилик. Ёрда бемалол ўтирилади-да, ука.

— Ҳм. Болалар қаерда дарс қилишади?

— Тўрдаги салқин уйда ётволиб, китобларини ўқишаверади.

— Ие, билмайсизми, ётиб дарс қилиш боланинг кўзига зарар-ку! Анави холодилник нега ётоқхонада турибди?

— Энди... Анча пулга олинган. Бола-чақа бузиб қўймасин деб шу ёққа ўтказгандик.

Телемухбир бироз ўйланиб туриб қолади. Сунг қушни йигитларни ишга солиб уй ичкарисини дарров ўзгартириб юборади. Кўп ўтмай телефильм экранга чиқди. Ушбу фильмни кўриб, хотирамда ҳамон шундай бир манзара қолган: шаҳарча дид билан безатилган хона, нознеъматга лиқ тўла дастурхон, беўхшов боғланган галстуги бир томонга қийшайиб кетган уй эгаси, ёнида қисиниб-қимтиниб, ергa тикилиб ўтирган аёли ва атрофдаги стулларга омонатгина чўккан болалари...

«Қишлоққа замонавийликни олиб кириш керакми? Керак!»

Бу анча йиллар бурун айтилган гап. Уша йилларда посёлкалар қурилиши жуда авж олган, кўчанинг икки томонида қатор тизилган янги уйларга кишилар севина-севина кўчиб киришарди. Лекин, кўп ўтмай, янги хонадон эгалари ҳовлиларида ўзлари учун тандирхона, ёзги ошхона, молхона ва товуқхоналар тиклаб олишарди. Шу каби майда-чуйда қурилишлар аксарият ҳолларда биноларнинг замонавий кўринишига путур етказар, режадан ташқари қурилаётгани учун уй эгаларига анча-мунча қийинчиликлар туғдирарди. Гарчи, шаҳарча тартибда қурилган бўлса-да, бу бинолар ичига сув қувурлари ўтказилмаганди. Ичимлик сув ҳовлидан анча узоқдаги кранлардан ташиб олинарди.

...Тошкентдаги қурилиш коллежи талабалари билан учрашув ўтказганимизда мен улар ясаган жажжи макетларни кўриб ҳайрон қолганман. Бу ижодий ишларнинг аксарияти қишлоқ қурилишига оид эди. Улар жуда пухта ўйлаб ижод қилинган, нуқталар ўрнидаги уй ва ҳовлиларда қишлоқликларнинг ҳар бир эҳтиёжи ҳисобга олинганди.

— Бу уйлар қурилиши ғарбча кўринишда бўладими ёки уларда шарқона услублар амалга ошириладими? — деб сўрадим улардан.

— Биз қишлоқ қурилиши учун энг намунали моделларимизни тавсия этишдан аввал ўзбекона турмуш тарзини яхшилаб ўрганмоғимиз зарур, — дейди коллежнинг бино ва иншоотлар қурилиши бўлими етакчиси Мусулмон Саидазимов. — Ахир қадимда боболаримиз қуриб кетган уйларнинг айримлари ҳали-ҳануз қишлоқларга кўрк бериб турибди. Қўшсинч ёки яккасинч қилиб қурилган бу уйларнинг тикланганига қарийб юз йиллар бўлган, лекин ҳали бирор ери дарз кетмаган. Кўрсангиз, ҳайратга тушасиз. Мўъжаз токчалари, қуша-қуша ойнаванд тахмонлари бор. Вассажўфтлари шунчалик чиройлики, кўз узолмай қоласиз. Бу уйларнинг ичкариси яшаш учун ўта қулай қилиб қурилганки, ҳатто уларга мебелларнинг ҳам ҳожати йўқ. Яна бир муҳим томони шундаки, бундай уйлар жуда мустаҳкам, ҳатто 9 балли зилзилага ҳам бардош беради.

— Демак, уйларни қуришда уларнинг қай даражада чидамли бўлишига ҳам аҳамият бериш керак экан-да?

— Албатта. Бетон пойдевор устига қурилган, пастки қисми захламайдиган пахса уйлар ҳам пишиқ бўлади. Ҳом ғиштли уйлар эсса балли зилзилаларда ёрилиб кетади. Ғувала devorли уйлар эса ниҳоятда чидамсиз. Бундай уйлар қуришни тўхатиш керак...

Кўҳна Шарқнинг меъморчилик ва қурилиш санъати асрдан асрга ўтиб келаётган нақшинкор минорлар, нафис ганч безаклари билан қуббаланган кошоналаримизда якқол акс этади. Эндиликда аждодларимиз изидан бораётган уста ганчкорлар, кошинкор ёғоч ўймакорлари бугунги замонавий биноларга ҳам миллий услубда зеб беришмоқда. Кейинги йилларда Ургут, усталари тиклаётган бино ва иншоотларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг кўринишига разм солсангиз, ерлик халқ маданиятининг бетакрор, ўзига хос томонларини намоён этиб, аньанавий халқ ижодини кўз-кўзлаётгандай туюлади.

Агар қишлоқлардаги аксарият уйларнинг бетартиб ва ҳар хиллиги ҳақида гап очилса, баъзилар «Бор борича, йўқ ҳолича!» деган киноя ўртага ташлайди. Тўғри, меъморчилик равнақи учун биринчи галда моддий, кейин эса маънавий замин тайёрланиши шарт. Соф миллий услубдаги биноларни тиклаш, токчаю тахмонли, вассажўфтлари кўзни қувонтирадиган, чўпкори уйларни қуриш учун эндиликда ёғоч муаммоси кунданланг туради. Лекин, масаланинг яна бир томонига эътиборни қаратиш зарур бўлади. Халқимизда қадимдан қолган ажойиб одат бор. Қай хонадонда ўғил фарзанд туғилса, унга атаб ҳовли четида теракзор барпо этиларди. Терак новдалари бақувват дарахтларга айлангунича ўғил воғга етади ва ўзи қуражак оила учун иморат тиклайди...

Маънавий замин эса ўтмиш аньаналари билан замонавий эҳтиёжларнинг ўзаро уйғунлашувидир. Демак, қишлоқ қурилишини юқори даражага етказишда халқ ижодий аньаналаридан тўла бохабар бўлган лойиҳачи ва қурувчининг ҳамкорлиги кутилган натижани беради. Бу учун ҳар бир қишлоқнинг ўз меъмори, ўз усталари бўлмоғи керак.

Чет мамлакатларнинг айримларида шундай бир тажриба бор: қишлоқ жойларида иморатлар тугул, ҳатто бирор эшик ёки дарахт ўрни ҳам лойиҳасиз, меъмор иштирокисиз ўзгартирилмайди! Бундай жойларда қишлоқ қурилишининг сифати анча юқорилаб кетгани ибратлидир. Газеталардан бирида ёзилишича, Клайпеда номли шаҳардаги жами маиший хизмат ўйларида хонадонларга хизмат кўрсатувчи махсус хизматчилар бор экан. Меъморчилик илмини яхши билган бу каби хизматчилар сотиб олинган мебелларни қандай жойлаштириш, таъмирталаб хоналарга қанақа ранг танлаш каби юмушларда хонадон эгасига беминнат кўмаклашаркан.

«Меъморчилик — халқнинг тошга битилган йилномаси» деб таъриф беради олимлардан бири. Узоқ йилларга мўлжаллаб қурилган ҳар бир уй шунчаки яшаш жойи эмас, балки келгуси авлодга ерлик халқнинг диди, маданияти ва маънавияти ҳақида ҳикоя қилиб тургувчи ёдгорликдир. Шу учун ҳам бу иш чўкур ўйланиб, ижодий ёндашишни талаб этади. Ахир қишлоқларимизнинг чиройи, жозибаси унинг ҳар жиҳатдан миллий таркиб топган муъжаз қурилишида акс этиб турса нур устига аъло нур эмасми? Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Ушбу ёруғ ва шодон чеҳраларга боқиб, ҳойнаҳой, кўнглингизни нурафшон туйғулар чулғаган бўлса, ажаб эмас! Дарвоқе, 100 ёшли Майрамхон она Ғойпова Истиқлол шарофати билан ўзининг муборак умрини ана шундай шоду хуррамлик билан ўтказмоқда. Булоқбоши туманида бундай пиру бадавлат онахонлар бисёр. Туман ҳокимлиги, бошқа жамоат ташкилотлари хонадонларимиз файзи ва кўрки — кексаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг ҳурмат ва эъзозини жойига қўйишмоқда. Ўз навбатида эса нуроний онахону оталаримиз бир дуогўй сифатида беназир элимизга, мамлакатимизнинг оқил ва доно йўлбошчисига омонлик тилашмоқда. Зеро, «Кариси бор уйнинг — париси бор», қолаверса, кексалар дуоси ҳамиша амри вожиб...

СУРАТДА: Булоқбоши туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кенгашининг раиси Муборакхон Холмирзаева бир аср тенгдоши Майрамхон она Ғойпова билан.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ХУШХАБАРЛАР

● Орол бўйидан келган 300 нафар ўқувчи айни кунларда Тошкент вилоятидаги «Алоқачи» ва «Меҳржон» болалар оромгоҳларида мириқиб дам олмоқдалар. Улар бу ерда ёзги таътилларини мазмунли ўтказишиб, соғлиқларини мустаҳкамлашади.

● Япониянинг Нара шаҳрида археология буюмлари халқаро кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазмада жаҳоннинг энг нуфузли кўргазмаларидан 240 дан ортиқ экспонат намойиш этилмоқда. Ўзбекистон бу кўргазмага Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепадан қазиб олинган еттита экспонат билан қатнашмоқда.

ҲОРИЖ ХАНДАЛАРИ

ШИРИН СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ

Уй бекаси: — Уймауй хайр-садақа сўраб юришга уялмайсизми? Тоғни урса талқон қиладиган йигитсиз-ку!

Тиланчи: — Ўзим ҳам буни яхши тушунаман, хоним. Аммо сиз ҳам бундай аъло кўрк-чиройингиз билан киноэкранга чиқсангиз бўлармиди?

Уй бекаси: — Бир оз сабр қилинг, ҳозир сизга... атаганимни олиб чиқаман!

САВОЛИГА ЯРАША ЖАВОБИ

Телефон жиринглади. Дастакни уч нафар бўйи етган қизнинг отаси олади:

— Алло, қўзичоғим, сенмисан?

— Йўқ, қўзичоқлар чўпониман!

КУТИЛМАГАН ҚЎНҒИРОҚ

Эр-хотинлар кечки овқатни тановул қилишаркан, аёл эрига деди:

— Эсингдами, бундан роппа-роса тўққиз ой олдин балиқ тутиш баҳонасида икки ҳафталик таътилга чиққанинг?

— Ҳа, кечагидек ёдимда.

— Бугун ўшанда тутган балиқларингдан бири қўнғироқ қилиб, ота бўлганлигингни хабар қилди...

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ЖУВОН

Кўшни аёллар ўзаро суҳбатлашарди:

— Баҳор ҳам яқинлашган кўринади, чамамда...

— Нега ундай деяпсиз?

— Учинчи қаватимиздаги Матилда кўмирчи жазманини ҳайдаб, музқаймоқ сотувчи йигит билан дўстлашибди...

СОХТА МУАЛЛИФ

Анжела янги нашрдан чиққан «Муҳаббат изтироблари» тўпламини ўқиркан, ҳовликиб эрига юзланди:

— Азизим, биласанми, аллақандай Петрарка дегани бундан йигирма йил муқаддам менга бахшида этган ашъорларингни ўзиники қилиб олибди!

Олмон тилидан Бойхўроз МАМАТҚУЛОВ таржимаси.

ЧЕМПИОНЛАР, БОРМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

мусобақаларда ҳам қатнашиб шарафли ўринлардан бирига муяссар бўлдилар.

Шунингдек, туманда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳокимлик кубоги учун бир неча марта теннис мусобақаси бўлиб ўтди. Ғолиблар шу йилнинг 26-29 апрель кунлари вилоятдаги теннис мусобақасида иштирок этиб, иккинчи фахрий ўринни эгаллашди.

Спорт ҳозирда нафақат эр йигитлар орасида, балки хотин-қизлар орасида ҳам чуқур ўрин олмоқда. Баҳористоннинг таниқли чорвадори, шу юрт учун хизмат қилган Ў. Хўжамуродов хотираси учун хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган волейбол мусобақаси ҳам яхши натижалар билан якунланди. Руҳия Сапарова, Наргиза Умарбекова, Сапарой Упасовалар ушбу мусобақанинг ғолиби бўлдилар ва туманлараро мусобақаларга қатнашиш шарафига эришдилар.

Туманда агросаноат мажмуи ходимлари ўртасида ўтказилган мусобақа ҳам ғоят қизиқарли бўлди. Волейбол ва баскетбол бўйича ўтказилган учрашувларда «Дўстлик» жамоа-ширкат хўжалиги жамоаси биринчи, Сулаймон Муродов номли ширкат хўжалигининг спортчиларига иккинчи ўрин берилди. Шуниси эътиборлики, спорт мусобақалари, спартакиадалар хўжаликлар, ташкилотлар, мактабларо ўтказилибгина қолмай, оилалар, хонадонлар ўртасида ҳам уюштирилмоқда. Бу эса ўсмир ёшларни спортга кенгроқ жалб қилишда қўл келмоқда. Оилалар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда чандирлик Кандил Курбоновлар хонадони қўли устун келди.

Туман ҳокими Ҳайит Тожиев шундай дейди:

— Пахта ҳам, чорва ҳам, дон ҳам бўляпти. Одамлар аввалгидай қистов билан ишламайди. Ҳар ким ўз ишини билиб қилади. Биз кўпроқ маънавият, спорт, халқ таълими, соғлиғи, ободончилик сингари соҳалар, ижтимоий муаммолар ҳақида бош қотираяпмиз. Жисмоний тарбия, спорт маънавиятимизнинг бир қисми Соғлом авлодни шакллантиришда ва уни ҳаётга йўналтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти жуда юксак. Бизларнинг ҳозирги саъи-ҳаракатимиз, олиб бораётган ишларимиз, сочаётган эзгу уруғларимиз эҳтимол бирданига униб чиқмас, бирданига ўз ҳосилини бермас. Бироқ аминманки, яқин йиллар ичида булар ўз ҳосилини беради.

Дарҳақиқат Президентимиз уқтирганларидек ислоҳот халқ учун, унинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, мамлакатимизни қудратли давлатга, жамиятимизни фуқаролик жамиятига айлантириш учун олиб борилмоқда. Мақсад шу. Бу йўлда ҳали хатолар, камчилик бор албатта. Жумладан, Баҳористонда ҳам. Туман спорт ташкилотининг раҳбари Холдор Омонов фикрига қараганда спортни кўнгилдагидай ривожлантириш учун маблағ етишмаётган экан. Спорт ашёлари, хиҳозлар сотиб олиш учун ташкилотда пул йўқ. Хомий ташкилотларнинг ҳам ёрдами кам тегмоқда.

Хўш, нима қилмоқ керак? Туманда «Жисмоний тарбия ва спортни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш жамғармаси» тузилаётган экан. Бу жамғарма ишга тушса, шояд айрим масалаларнинг ечими осон кўчар, спорт ҳам тўлиқ ишга турар. Қолаверса кенг жамоатчилик ҳам туманда бошланган хайрли ҳаракатни кенг қўллаши лозим, деб ўйлаймиз.

Яқинда Баҳористон тумани 20 ёшга тўлади. Шу сана туманда кенг нишонланади ва шу муносабат билан катта спорт байрами ҳам бўлиб ўтади. Туман спортчилари ўзларининг санъатларини, эпчиллик ва чаққонликларини одамлар олдида яна бир бор намойиш этадилар. Катта футбол ўйини ҳам бўлади. «Кўкдумалоқ» футбол жамоаси билан Косон ёғ экстракция ҳиссадорлик жамияти ўйинчиларининг ўртоқлик учрашуви ҳам шу кунга мўлжалланган.

Фикримизча, ана шундай мусобақаларни очиқ услубда, яъни бошқа туманлар, вилоятлар спортчиларини таклиф этган ҳолда уюштириш яна ҳам катта самара беради. Умидимиз шулки, ирмоқлардан дарё ҳосил бўлганидек жойларда жисмоний тарбия ва спортнинг юксалиши Ўзбекистоннинг спорт довруғини янада оширишга хизмат қилсин.

И. АМИРҚУЛОВ.

ҒОЛИБЛИК — ТУҒИЛГАН КУНГА ТУҲФА

Теннис мусобақаларида кучли ракетка усталари муддатидан аввал бир-бирига рўбарў келиб қолмаслиги учун қўръа ташлашдан олдин улар ёйиб чиқилади. Лекин ҳар доим бундай усул ўзини оқлайвермайди. Гоҳида энг кучли саналган ва заиф рақиб билан учрашган теннисчи илк бахсдаёқ ютқазиб қўяди. Одатда эса тахминлар тўғри чиқиб, турнирдаги биринчи рақамли ракетка устаси ўз мавқеини тасдиқлайди.

«Тошкент-Опен» турнирида ҳам шундай бўлди. Аёллар жаҳон теннис таснифида 41-ўринни эгаллаб турган Анна Смашнова (Исроил) бирин-кетин барча рақибларини мағлубиятга учратиб, асосий даъвогар эканлигига ҳеч қандай шубҳа уйғотмади. Аввало у австралиялик Аннабел Илвудни, доғда қолдирди — 7:5, 6:3. Сўнг япониялик Кейко Нагатами устидан зафар қучди — 6:2, 6:0. Чорак ва ярим финалда ҳам Смашнова омад кулиб боқди. Пойтахтимиздаги нуфузли мусобақада иккинчи даъвогар ҳисобланган Татьяна Панова (аёллар жаҳон теннис таснифида 68-ўрин) эса ишончли қатнашолмади. Олдинига у украиналик Анна Запорожанованинг қаттиқ қаршилигига дуч келди — 6:4, 0:6, 6:3. Кейин ҳамюрти Елена Дементьева билан баҳсда биринчи сетда 3:6 ҳиссобида ютқазиб, иккинчи сетни умуман охирига етказмади.

Теннис

Турнирнинг учинчи рақамли иштирокчиси бельгиялик Лорена Кортуанинг майдончага чиқишлари ҳам бир текис кечмади. Биринчи ўйинда чехиялик Андриана Герси билан амалда кучлар тенг келди — 4:6, 6:4. Ҳал қилувчи учинчи сетда тай-брэкдагина Кортуага ғалаба насиб этди — 7:6.

Венгриялик Петра Мондула билан учрашув ҳам осон бўлмади — 7:5, 6:2. Кейинги рақибаларини ҳам енгиб, пировард натижада бельгиялик теннисчи финалга чиқди. Дастлаб асосий совриндор Лоренсга тегадигандек туюлди, чунки биринчи сетнинг бошида у 3:1 ҳисобида олдинга ўтиб олганди. Шундан сўнг ғалати воқеа юз берди. Кортуа кетма-кет беш геймни бой берди — 3:6. Иккинчи сетда ҳам аҳвол такрорланди.

Аслида рақибаси ғоят кучли бўлгани боис эмас, балки Лоренс кетма-кет хатоликларга йўл қўйганлиги сабаб ютқазиб қўйди. Нима бўлганда ҳам асосий совринг, ғолибга аталган 80 очко исроиллик Анна Смашновага насиб этди. Шу тариқа ғолиба 16 июнда бўладиган туғилган кунига ажойиб туҳфа ҳозирлади.

Бошқа совриндорлар ва қатнашчилар ҳам мукофот пуллари ва совға-саломлардан бенасиб қолишгани йўқ. Барча иштирокчилар яхши таассуротлар билан пойтахтимизни тарк этишаётганига шубҳаланмасак ҳам бўлади.

А. ШЕРОВ.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Жамшид —2» кичик корхонаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

ЭҲ, ЭССИЗ...ҚАРИЯЛАР

Кейинги пайтда, аксарият ҳолларда гиёҳванд ўсимликларни нафақадаги кексалар ўстираётганлиги аниқланаяпти. Ёшларни тўғри йўлга бошлаш ўрнига ўзлари гиёҳванд модда ўстиришга интилаётган бундай кишилар кимлар?

Шу йилнинг 8 май куни Пахтакор шаҳрида яшовчи нафақахўр 70 ёшли Татьяна Шкаева, ҳеч қаерда ишламайдиган Анатолий Красновга тегишли ҳовлининг томорқасида 0,5 квадрат метр жойда кўкнори ўстираётганлиги аниқланиб, ички ишлар ходимлари томонидан йўқ қилинди. 12 май куни Жиззах туманидаги Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи нафақахўр 67 ёшли Саида Умарова ҳам ҳовлисининг 1 квадрат метр жойида 50 туп заҳри қотил парваришлаётганлиги фош қилинди.

Жиноятга жазо муқаррар

14 май куни шу тумандаги У. Ҳотамов номли жамоа хўжалигида яшовчи 51 ёшли Абдуманнап Маматқуловнинг 24 квадрат метр жойда «деҳқончилик» қилаётганлиги маълум бўлди. Ҳозир Маматқулов ўз деҳқончилигининг сир-асрорлари тўғрисида терговчига гапириб беряпти. Шунингдек, 13 май куни «Қорадори» тадбири ўтказишаётган Ғаллаорол тумани ИИБ ходимлари «Гулистон» ширкатлар бирлашмасининг Янгиобод қишлоғида яшовчи нафақахўр 55 ёшли Нурилла Саримсоқовнинг 30 квадрат метр жойда кўкнори етиштираётганлигини аниқлашди.

Шу куни зоминлик посбонлар «Чорвадор» ширкатлар бирлашмаси Бешюш қишлоғида яшовчи 80 ёшли Марқа Туроновнинг ҳам томорқасига ўт қўйишди. 150 квадрат метр жойдаги кўкнори ёниб кул бўлди.

Юқоридаги ҳолатларга назар ташлар экансан соқоллари оппоқ кексаларнинг ножўя ишларидан ёқа ушлайсан. Ҳозир барча ҳолатлар бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ.

«ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ» МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-ОММАБОП РИСОЛА УЧУН ТАНЛОВ ДАСТУРИ ВА ШАРТЛАРИ

«Орол денгизи ҳавзаси атроф муҳити ва сув ресурсларини ўқишқариш» Лойиҳасини амалга оширувчи GIF Агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий Мувофиқлаштирувчиси ҳамкорликда энг яхши илмий-оммабоп рисола учун очиқ танлов эълон қиладилар.

Сув — ҳаёт демакдир. Сув тугаган жойда ҳаёт ҳам тугайди. Бу нақлда минтақамиздаги сувга муносабат ва сув қадри ўзининг мухтасар ифодасини топган.

Сувни эъзозлаш, уни тежаб-тергаш керакмиз. Ушбу хусусидаги тарбия бу минтақада минглаб йиллар давомида авлодлардан-авлодларга ўтиб келган. Зеро, сув биз учун ҳаёт манбаидир.

1. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад Республика кенг жамоатчилиги диққатини комплекс равишда сув муаммоларига тортишдан, унинг эътиборини Оролни қутқариш муаммоларидан тортиб, сувнинг ҳар томчисини тежаб-тергаб фойдаланишга, тоза ва покиза сақлашга қаратишдан иборат.

Илмий-оммабоп рисола сувга муносабатимиз, бугун ва келажагимиз тақдирини ҳал қиладиган даражадаги улкан бурч ҳамда маъсулият эканини талқин этувчи ва бу борада жамоатчилик фикрини уйғотишга, шакллантиришга фаол таъсир кўрсата оладиган сифатларга эга бўлмоғи керак.

Рисола ўқувчини Ўзбекистон ва унга туташ мамлакатлар ҳамда шарт-шароити муштарак бўлган олис давлатлараро замонавий ва тарихий қиёсловчи маълумотлар билан ҳам кенг таништириши муҳимдир.

2. ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Танловга топшириладиган рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган, аҳолининг турли ёш ва қатламлари учун тушунарли, эркин, илмий-оммабоп тилда ёзилган, илгари сурилаётган фикр ва муаммолар хусусида мушоҳада уйғотадиган, атроф-муҳит, табиат, айниқса, ҳаётнинг ўзаги бўлмиш сувни эъзозлаш, қадр-қимматини ўрнига қўйишда умумхалқ тафаккури, дунёқарашига таъсир кўрсатадиган хусусиятларни ўзида мужассамлантирмоғи керак.

Танлов материаллари 1999 йилнинг 15 июлигача қабул қилинади. Танлов натижалари ҳайъат томонидан 1999 йилнинг 25 августигача кўриб чиқилади.

Танловга топширилувчи илмий-оммабоп рисолаларнинг ҳажми 3,0 босма тобокдан ошмаслиги, машинка ёки компьютерда оққа кўчирилган ҳолда тақдим этилиши, икки нусхада ўзбек ва рус тилида бўлиши шарт.

Танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда муаллифлар ўз рисолаларининг қисқача мазмунини (оққа кўчирилган 5 саҳифада) ҳайъатга топширадилар. Бу босқичда 5 таклиф танлаб олинади ва танловнинг иккинчи босқичида иштирок этишга тавсия этилади. Ҳайъат хабар берганидан сўнг, муаллифлар 2-босқичда рисолани яратиш устида ишни давом эттирадилар.

Иккинчи босқичда муаллифлар танлов ҳайъатига тугалланган рисолани тақдим этадилар.

Илмий-оммабоп рисолада қуйидагилар ўз ифодасини топмоғи лозим:

— Ўзбекистондаги мавжуд сув муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида мушоҳада, мулоҳазалар;

— сувдан оқилона фойдаланиш, уни тежаш усуллари хусусидаги тажрибалар ва таклифлар;

— аниқ ижобий ва салбий мисоллар талқини;

— кенг жамоатчиликка бу масалалар ҳақида тарихдан, бугундан, олис ва яқин мамлакатлар ҳаётидаги сувни тежаб, тергаб фойдаланишдан кенг маълумотлар бериш;

— сувга муносабат масаласидаги Ўзбекистон қонунлари, Ҳукумат ва Вазирликлар қарорларини тушунтириш;

— сувни муқаддас билиш, тоза тутиш хусусидаги халқимиз удумларини тарғиб этиш ва ҳакозо.

— танлов ғолиблари 1999 йилнинг 1 сентябр Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги олдидан эълон қилинади.

1 ва 2 ўринларни эгаллаган ғолибларнинг рисолаларини нашрга тайёрлаш ва маълум тиражда нашр этишни молиялаштириш ва белгиланган тартибда тақдирлаш ишлари GEF Агентлиги томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари битта рағбатлантирувчи мукофот ҳам назарда тутилади.

Танлов материалларини қуйидаги манзилга юборинг:

700004, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 4 уй,

Ўзбекистон Республикасидан Миллий мувофиқлаштирувчига

Маълумотлар учун телефонлар: (8:998 712) 41-34-81; 41-33-11.

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — *Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 0446, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 22.45

1 2 3 3 4 6.